

*«ASIA ALLIANCE BANK» АТБ  
Акциядорларнинг умумий йиғилиши  
баённомасига  
11-илова*

«ASIA ALLIANCE BANK» АТБ  
Акциядорларнинг умумий йиғилишининг  
11 июль 2022 йилдаги АС-1/2022 сонли  
қарори билан  
ТАСДИҚЛАНГАН

**«ASIA ALLIANCE BANK»  
АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ  
КУЗАТУВ КЕНГАШИ ТЎҒРИСИДАГИ  
НИЗОМ**

**янги таҳрирда**

Тошкент - 2022 йил

## I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқдарини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги ва «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонунлари, шунингдек, бошқа қонунчилик ҳужжатлари ва Банк уставига мувофиқ ишлаб чиқилган.

2. Мазкур Низом «ASIA ALLIANCE BANK» акциядорлик тижорат банки (кейинги ўринларда Банк деб номланади) Кузатув кенгашининг мақоми ва иш тартиботини, унинг аъзоларини сайланишини, шунингдек, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб беради.

3. Банк Кузатув кенгаши Банк бошқарувининг коллегиял органи ҳисобланади, Банк фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, қонунчилик ва Банк устави билан Акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатига киритилган масалалар бундан мустасно, бошқарувга оид қарорлар қабул қилиш жараёнида назорат ва текширув вазифасини бажаради ҳамда умуман Банкнинг фаолияти ва молиявий барқарорлиги учун жавобгардир.

4. Ўз фаолиятини амалга оширишда Кузатув кенгаш қуйидаги таъминларга амал қилади:

- Банк фаолияти тўғрисида ҳаққоний маълумот асосида қарорлар қабул қилиш;

- Акциядорларнинг Банк бошқарувида иштирок этиш, дивиденд ва Банк тўғрисида ахборот олиш ҳуқуқлари чекланишини бартараф қилиш;

- Акциядорларни турли гуруҳлари манфаатларининг мувозанатига эришиш ва Кузатув кенгаш томонидан Банкни барча акциядорларининг манфаатини кўзлаб максимал ҳолис қарорлар қабул қилиш.

5. Банк Кузатув кенгашининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- Банкнинг молиявий-ҳўжалик фаолияти устидан самарали назоратни таъминлаш;

- Банкнинг ижроия органларининг самарали фаолиятини, шу жумладан уларнинг фаолияти устидан назоратни амалга ошириш орқали таъминлаш;

- Банкнинг оқилона корпоратив бошқарувига кўмаклашиш;

- Банкнинг, унинг омонатчилари ва акциядорларининг қонуний манфаатларига риоя этиш;

- барча акциядорларга нисбатан, уларга тегишли улушлар, даромадининг даражаси, жинси, ирқи, дини, миллати, тили, ижтимоий келиб чиқиши, шахсий ва ижтимоий мартабасидан қатъий назар, тенг муносабатни таъминлаш;

- Банкнинг Марказий банк билан самарали ҳамкорлигини таъминлаш.

6. Банк Кузатув кенгаши аъзолари ўртасида вазифаларни тақсимлаш унинг раиси томонидан Кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси учун шахсан амалга оширилади.

7. Банк Кузатув кенгаши ўз фаолиятини амалга оттиришда. Акциядорларнинг умумий йиғилиши олдида ҳисобдор, Банк ва унинг акциядорлари манфаатларини кўзлаб ҳаракат қилади, шунингдек, ўзга барча манфаатдор шахсларнинг манфаатлари ва қонуний талабларига риоя этилишини таъминлайди.

## **II. БАНК КУЗАТУВ КЕНГАШИНИНГ ВАКОЛАТ ДОИРАСИ**

8. Банк Кузатув кенгашининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

1) Банкни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида Банк Бошқарувининг ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борган ҳолда Банк фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

2) Банкнинг қабул қилинган бизнес-режаси бажарилиши устидан назорат қилиш, шунингдек ҳар чоракда банкнинг фаолияти натижалари тўғрисида банк бошқарувининг ҳисоботини эшитиш;

3) акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш, бундан Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун 65-моддасининг ўн биринчи қисмида назарда тутилган ҳоллар мустасно;

4) акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;

5) акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;

6) акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун Банк акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;

7) Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун 59-моддаси биринчи қисмининг иккинчи хатбошисидан назарда тутилган масалаларни акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун киритиш;

8) мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;

9) Бошқарув аъзоларини (Раисдан ташқари) сайлаш (тайинлаш), Қонунчилик, устав ва мазкур Низомда кўрсатилган ҳолларда, Банк Бошқарув раиси ва аъзоларининг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

10) Банкнинг йиллик бизнес-режасини, йиллик молиявий ҳисоботларни тасдиқлаш ҳамда бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботлар тизимининг яхлитлигини таъминлаш;

11) Банкнинг бошқаруви устидан назоратни амалга оттиритт;

12) ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, унинг фаолиятини ташкил этиш, шунингдек Банк ички аудит хизматининг чорақлик ҳисоботлари асосида Банк Бошқаруви томонидан Банк стратегиялари ва сиёсатларига риоя этилишини баҳолашдан ўтказиш;

13) Банк Бошқаруви фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва Банк Кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни Банк Бошқарувидан олиш. Банк Кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;

14) Банк Бошқаруви аъзолари томонидан тақдим этилган ахборотни, таклифларни ва тушунтиришларни ўрганиш, муҳокама қилиш ҳамда улар бўйича баҳслашиш;

15) аудиторлик текширувини ўтказиш (мажбурий аудиторлик текшируви бундан мустасно), аудиторлик ташкилотини белгилаш, унинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;

16) дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;

17) активларни таснифлаш асосида активлар бўйича эҳтимолдаги зарарларга қарши яратиладиган захиралар шакллантирилиши устидан назорат қилиш, шунингдек банкнинг капитал ва умумий захираларининг етарли даражада сакдаб турилишини таъминлаш;

18) Банкнинг захира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш;

19) Банкнинг филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш, шу жумладан уларнинг ташкилий тузилишини тасдиқдаш;

20) Банкнинг шўъба ва тобе ҳўжалик жамиятларини ташкил этиш;

21) Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 8 ва 9-бобларида назарда тутилган ҳолларда битимлар тузиш ҳақида қарор қабул қилиш;

22) Банкнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиш;

23) Банкнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

24) Банкнинг устав капиталини кўпайтириш бўйича масалаларни, шунингдек, Банкнинг устав капиталини кўпайтириш ва эълон қилинган акциялар сонини камайтириш билан боғлиқ ўзгартириш ва қўшимчаларни Банк уставига киритиш тўғрисидаги масалаларни ҳал қилиш;

25) қимматли қоғозлар (акциялар, облигациялар)ни чиқариш тўғрисидаги қарорни ва эмиссия проспектини тасдиқлаш;

26) қимматли қоғозлар (акциялар, облигациялар)ни чиқариш тўғрисидаги қарорни ва эмиссия проспекти тўғрисидаги қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ва уларнинг матнини тасдиқлаш;

27) Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 34-моддасига биноан акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг уюшган савдоларига чиқариш) нархини белгилаш;

28) Банк томонидан корпоратив, жумладан, акцияларга айирбошладиган облигацияларни чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

29) ҳосилавий қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

30) Банк Бошқаруви аъзоларига тўланадиган мукофот ва (ёки) компенсациялар миқдорини белгилаш;

31) корпоратив маслаҳатчини тайинлаш ва унинг фаолияти тартибини белгиловчи низомни тасдиқлаш;

32) бу тўғрида барча акциядорларга ахборотни ошкор қилган ҳолда фақат акциядорларнинг умумий йиғилиши ва қонунчилик томонидан белгиланган чегарада хайрия (спонсорлик) ёки беминнат ёрдамини кўрсатиш (олиш) ҳақида қарор қабул қилиш;

33) тегишли масалалар бўйича Банк Кузатув кенгаши қошида кўмиталар (ишчи гуруҳларини) тузиш;

34) стратегик мақсадларни, корпоратив бошқарув сиёсатини, банкнинг бошқа ички сиёсатларини, шу жумладан таваккалчиликларни аниқлаш, бошқариш, мониторинг қилиш ва улар тўғрисида хабардор этиш, капиталнинг етарлилигини лозим даражада сақлаб туриш сиёсатини тасдиқлаш ҳамда уларнинг амалга оширилиши устидан назорат қилиш;

35) манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва уни бартараф этиш тартибини тасдиқлаш;

36) Банкнинг молиявий ҳолатини тиклаш режаларини тасдиқлаш;

37) Банк фаолиятини бошқариш тизими самарадорлигини, шу жумладан банк бошқаруви принциплари мониторингини ва уларни даврий баҳолашни амалга ошириш ҳамда аниқланган камчиликларни бартараф этиш учун тегишли чораларни кўриш;

38) бир йилда камида бир марта амалга оширилган назорат ва текширув фаолияти тўғрисида акциядорларнинг умумий йиғилишига ҳисобот тақдим этиш;

39) банкнинг узоқ муддатли молиявий манфаатларини ва Марказий банк томонидан капиталга нисбатан белгиланган талабларни ҳисобга олган ҳолда пруденциал талабларга риоя этилишини таъминлаш.

9. Банк Кузатув кенгашининг ваколат доирасига Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни ва Банк уставига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш ҳам киритилиши мумкин.

10. Банк Кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар ҳал қилиш учун Банк Бошқарувига ўтказилиши мумкин эмас.

### **III. БАНК КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИНИ САЙЛАШ ВА УЛАРНИНГ ВАКОЛАТЛАРИНИ ТЎХТАТИШ**

11. Банк Кузатув кенгашига номзодларни кўрсатиш тўғрисида таклифларни киритиш, киритилган таклифларни кўриб чиқиш ва улар бўйича Кузатув кенгаш томонидан қарорларни қабул қилиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни 63 ва 65 моддалари ва Банк уставига мувофиқ амалга оширилади.

12. Банк Кузатув кенгашига номзодларни кўрсатиш бўйича таклифлар ёзма шаклда, Банк манзилига буюртма хат жўнатиш йўли билан киритилади ёки Банк девонхонасига топширилади. Таклифнинг киритилиш санаси Банкка келиб тушган сана билан белгиланади. Таклиф акциядор ёки ишончли шахс томонидан имзоланади, ишончли шахс томонидан имзоланганда ишончнома илова қилинади. Агар ташаббус юридик шахс бўлган акциядор томонидан билдириляётган бўлса, юридик шахс уставига мувофиқ унинг номидан ишончномасиз ҳаракат қилаётган вакилининг имзоси мазкур юридик шахснинг муҳри билан тасдиқланади. Агар таклиф юридик шахс номидан ишончнома бўйича ҳаракат қилувчи вакил томонидан имзоланган бўлса, таклифга ишончнома илова қилинади.

13. Марказий банк Банк Кузатув кенгашининг аъзолигига кўрсатиляётган номзодларни уларнинг лавозимга киришишидан олдин келишиб олади.

14. Банк Кузатув кенгаши таркибига сайланадиган шахсларга нисбатан қўйиладиган талаблар Банк уставига ёки Акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорида белгилаб қўйилиши мумкин.

Банк Кузатув кенгаши аъзоларига қуйидаги малакавий талаблар қўйилади:

- олий маълумоти бўлиши;

- Ўзбекистон Республикаси Президенти асарларини билиши;  
- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва банк фаолияти соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси қонунларини, Олий Мажлис палаталари қарорларини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонларини, Вазирлар маҳкамасининг қарорларини, Марказий банкнинг норматив ҳужжатларини ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни билиши;

- бенуқсон ишчанлик обрўсига, Банк таваккалчиликларининг самарали бошқарилишини, ўз ваколатлари доирасида асосли қарорлар қабул қилинишини таъминлаш учун зарур бўлган тажрибага, билим ва кўникмаларга эга бўлиши;

- Банк Кузатув кенгаши аъзоларига доир қонунчиликда белгиланган бошқа малака талаблари.

15. Банк Кузатув кенгашининг аъзоларини баҳолаш шартлари, баҳолаш учун зарур ҳужжатлар, малака талабларига мувофиқлик мезонлари, шунингдек уларни келишиб олиш тартиби Марказий банк томонидан белгиланади. Банк Банкнинг Кузатув кенгаши аъзолари банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига доимо мувофиқ бўлишини таъминлаши шарт.

16. Банк Кузатув кенгашининг миқдорий таркиби 5 (беш) нафар кишидан иборат.

17. Банк Кузатув кенгашининг аъзолари қонунчилик ва Банк уставида назарда тутилган тартибда Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан уч йил муддатга сайланади. Банк Кузатув кенгашига аъзоларни сайлаш чоғида акциядорлар, Кузатув кенгаш таркибига мустақил аъзо(лар)ни сайлаш тўғрисидаги қонунчилик тавсияларига амал қиладилар.

18. Банк Кузатув кенгаши аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади.

19. Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони Банкнинг Кузатув кенгашига сайланиши лозим бўлган шахслар сонига кўпайтирилади ва акциядор шу тариқа олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақли.

20. Энг кўп овоз тўплаган номзодлар Банк Кузатув кенгашининг таркибига сайланган деб ҳисобланади.

21. Банк Кузатув кенгаши таркибига сайланган шахслар чекланмаган тарзда қайта сайланиши мумкин.

22. Банкда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар, шу жумладан Банк бошқаруви раиси ва аъзолари Банк Кузатув кенгашига сайланиши мумкин эмас.

23. Қуйидаги ҳолларда шахс Кузатув кенгаши аъзолигига сайланиши мумкин эмас ёки сайланган шахс Кузатув кенгаши аъзолиги ҳуқуқидан маҳрум этилади, агар:

шахс икки ёки ундан ортиқ банкнинг кузатув кенгаши аъзоси бўлса ёки аъзо бўлиш ниятида бўлса, бундан мазкур банклар бир банк гуруҳига тегишли бўлган ҳоллар мустасно;

шахснинг ваколатлари Марказий банк талабига кўра муддатидан илгари тугатилган бўлса.

24. Кузатув кенгашининг сайланган аъзосининг ваколатлари, у томонидан қонунчилик, Банк устави бузилганда ёки ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) оқибатида Банкка зиён етказилганда Акциядорларнинг умумий йиғилиши, йиғилишда иштирок этган, Банкнинг овоз берувчи акцияларига эга акциядорларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинган қарор бўйича муддатидан илгари тугатилади.

25. Банк Кузатув кенгашининг аъзоси ўз ташаббуси билан, Кузатув кенгаш ўз ишини тўхтатишдан бир ой аввал Банк Кузатув кенгаши раисини бу тўғрисида ёзма хабардор қилиб, исталган пайт унинг таркибидан чиқишга ҳақли. Бу ҳолда Акциядорларнинг умумий йиғилиши кейинги йиғилишида Банк Кузатув кенгашининг янги таркибини сайлайди.

26. Суд Банк Кузатув кенгаши аъзосини Банкка мулкӣ зарар етказганликда айбдор деб топган тақдирда, ушбу аъзонинг ваколатлари суднинг қарорига кўра, унинг хўжалик жамиятларида раҳбарлик лавозимини эгаллаши тақиқланган ҳолда, бир йилдан кам бўлмаган муддатга тугатилиши мумкин.

#### **IV. БАНК КУЗАТУВ КЕНГАШИ РАИСИ**

27. Банк Кузатув кенгашининг раиси, Кузатув кенгаш аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан, ушбу Кузатув кенгаш таркибидан Кузатув кенгаш аъзолари томонидан сайланади.

28. Банк Кузатув кенгаши, ўз раисини Банк Кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан қайта сайлашга ҳақли.

29. Кузатув кенгаш раиси:

- Кузатув кенгаш ишини ташкил этади, унинг самарали фаолиятини таъминлайди;

- Кузатув кенгаш зиммасига юклатилган масалаларни самарали ҳал қилиш ва вазифаларни бажариш мақсадида Банк ижроия органи ва мансабдор шахслари билан ўзаро ҳамкорликни амалга оширади ва алоқада бўлади;

- Кузатув кенгаш мажлисининг кун тартибидаги масалалар бўйича қарорлар қабул қилиш учун зарур ахборотни Кенгаш аъзолари томонидан ўз вақтида олиниши учун барча зарур чораларни кўради;

- Кузатув кенгаш мажлисининг иш режаларини ва кун тартибини шакллантиради;

- Банк Кузатув кенгаш мажлисларини чақиртиради ва уларда раислик қилади;

- Кузатув кенгаш мажлисларини ўтказиш тартибига риоя қилинишини таъминлайди;

- мажлис ўтадиган сана, вақт ва жой, мажлис кун тартиби тўғрисида Банк Кузатув кенгаш аъзоларини ўз вақтида хабардор қилинишини ташкиллаштиради, шунингдек, мажлис кун тартибидаги масалалар бўйича ҳужжатлар ва ахборот материалларидан Кузатув кенгаш аъзоларининг эркин фойдаланишини таъминлайди;

- Кузатув кенгаш мажлисларида мажлис кун тартибидаги масалалар бўйича энг самарали ва келишилган қарорлар ишлаб чиқилишини таъминлайди, муҳокама қилинаётган масалалар бўйича Кузатув кенгашнинг ҳар бир аъзосига ўз нуқтаи назарини билдириш имконини таъминлайди;

- мажлисларда Кузатув кенгаш мажлисларининг баённомалари юритилишини таъминлайди, уларни имзолайди, уларнинг тўғри ва ўз вақтида тузилиши учун жавобгар бўлади;

- акциядорларнинг умумий йиғилишларини чақиришга тайёргарлик ва уларни ўтказиш устидан назоратни амалга оширади;

- акциядорларнинг умумий йиғилишларида раислик қилади;

- Кузатув кенгаш фаолияти билан боғлиқ бошқа вазифаларни бажаради.

30. Банк Кузатув кенгаш раиси бўлмаган тақдирда унинг вазифасини мажлисда ҳозир бўлган Банк Кузатув кенгаш аъзолари томонидан раис сифатида сайланган Кузатув кенгаш аъзоларидан бири амалга оширади.

## **V. БАНК КУЗАТУВ КЕНГАШИ МАЖЛИСИ**

31. Банк Кузатув кенгаши мажлиси Кузатув кенгаш раиси томонидан унинг ўз ташаббусига кўра, Банк Кузатув кенгаши, Бошқарув аъзосининг ва Банк ички аудит хизмати бошлиғининг, шунингдек Банкни овоз берувчи акцияларининг камида бир фоизига эга акциядор (акциядорлар)нинг талабига кўра чақирилади (Кузатув кенгаш мажлисини чақиртириш талабининг намунавий шакли 1-иловада келтирилади).

Банк Кузатув кенгаши мажлиси Банк Кузатув кенгаши, Бошқарув аъзосининг ва Банк ички аудит хизмати бошлиғининг, шунингдек, Банк Кузатув кенгаш мажлисини ўтказиш тўғрисида ёзма талаб тақдим этилган санада Банкни овоз берувчи акцияларининг камида бир фоизига эга акциядор

(акциядорлар)нинг ёзма талаби такдим этилган кундан ўн кундан кечиктирилмай ўтказилади, акс ҳолда юқорида айтиб ўтилган талабни такдим этган шахсга Банк Кузатув кенгаши мажлиси ўтказилмаслигининг сабаблари кўрсатилган рад жавоби жўнатилади.

Банк Кузатув кенгаши мажлисини ўтказиш тўғрисидаги талабда мажлис кун тартибига киритиладиган масалалар уларнинг киритилиш сабаби кўрсатилиб ифодаланиши лозим. Агар Банк Кузатув кенгаши мажлисини ўтказишга сабаб қилиб Бошқарув аъзоси ваколатларини муддатидан илгари тугатиш масаласини киритиш кўрсатилган бўлса, бундай мажлисни ўтказиш тўғрисидаги талабда Бошқарув аъзоси ваколатларини муддатидан илгари тугатиш масаласидан ташқари кун тартибига Бошқарувнинг янги аъзосини сайлаш масаласини киритиш таклифи бўлиши лозим.

Агар Банк Кузатув кенгаши мажлисини ўтказиш тўғрисидаги талаб акциядор (акциядорлар) томонидан қўйилаётган бўлса, унда мажлис ўтказилишини талаб қилаётган акциядорнинг исми (номланиши), унга тегишли акцияларнинг сони, тури кўрсатилиши керак.

Банк Кузатув кенгаши мажлисини ўтказиш тўғрисидаги талаб, Банк Кузатув кенгаши ўтказишни талаб қилаётган шахс (шахслар) томонидан имзоланади.

Юқорида кўрсатилган шахсларнинг талаби бўйича Банк Кузатув кенгаши мажлисини ўтказишни рад этиш тўғрисидаги қарор қуйидаги ҳолатларда қабул қилиниши мумкин, башарти:

- Банк Кузатув кенгаши мажлисини ўтказишни талаб қилаётган акциядор (акциядорлар) талаб такдим этилган санада Банкни овоз берувчи акцияларининг 1%га эга эмас;

- кун тартибига киритиш учун таклиф қилинган масалалардан бирортаси ҳам Банк Кузатув кенгаши ваколат доирасига кирмайди;

- кун тартибига киритиш учун таклиф қилинаётган масала «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқдарини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун талабларига мувофиқ эмас.

Банк Кузатув кенгаши мажлисини ўтказишни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

Банк Кузатув кенгаши сайланган таркибининг биринчи мажлисини ўтказишни ташкил этиш Банк кенгаши аъзоларидан бири томонидан амалга оширилади.

32. Банк Кузатув кенгаши мажлислари Кузатув кенгаши раиси томонидан ҳар чоракда камида бир марта чақиртирилади.

33. Кузатув кенгаши аъзоларига хабар қилинган жой ва (ёки) вақтда Кузатув кенгаши мажлисларини ўтказишга имкон бермайдиган ёки қийинлаштирадиган вазиятлар юзага келганда, режадаги кун тартиби бўйича мажлис бошқа жой ва (ёки) бошқа вақтда ўтказилиши мумкин.

34. Кузатув кенгаш раиси, кенгашда ҳал қилинадиган масалаларнинг мазмунини ҳисобга олиб Кузатув кенгаш мажлисига Банк раҳбарларини, бўлинмалар раҳбарларини ва мутахассисларни таклиф қилиши мумкин.

35. Банк Кузатув кенгаши раисининг қарори билан Кузатув кенгаш қарорлари сиртдан овоз бериш (сўров) йўли билан ўтказилиши мумкин. Сиртдан овоз бериш электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда овоз бериш бюллетенлари воситасида амалга оширилади. Банк томонидан бюллетеннинг электрон варианты ишлатилиши учун Кузатув кенгаш аъзоси аввалдан қонунчиликда белгиланган талабларга мувофиқ электрон рақамли имзонинг ҳақиқийлигини текшириш имкониятини таъминлаши лозим.

Бу ҳолда ахборот (материаллар) ва овоз бериш бюллетенлари Кузатув кенгаш аъзоларига электрон шаклда жўнатилади.

36. Овоз бериш бюллетенида қуйидаги маълумотлар бўлиши лозим:

- Банкнинг тўлиқ фирма номланиши;
- овоз бериш бюллетенларини қабул қилиш тугайдиган сана;
- овоз бериш бюллетенларини қабул қилиш тартиби;
- мажлис кун тартиби;
- овоз беришга қўйилган ҳар бир масаланинг ифодаланиши, у бўйича овоз беришнинг «ёқлайман», «қаршиман», «бетараф» сўзлари билан ифодаланган вариантлари;
- бюллетен Кузатув кенгаш аъзоси томонидан имзоланиши тўғрисида кўрсатма.

Овоз берилганида овоз берувчи қайси масала бўйича эҳтимол тутилган овоз бериш вариантларидан фақат биттасини қолдирган бўлса, ўша масала бўйича берилган овозлар ҳисобга олинади. Мазкур талабни бузган ҳолда тўлдирилган овоз бериш бюллетенлари ҳақиқий эмас деб топилади ва улардаги масалалар бўйича берилган овозлар ҳисобга олинмайди.

Агар овоз бериш бюллетенида овозга қўйилган бир нечта масала кўрсатилган бўлса, бир ёки бир нечта масалага нисбатан юқорида кўрсатилган талабга риоя этилмаганлиги бюллетеннинг умуман ҳақиқий эмас деб топилишига сабаб бўлмайди.

Овоз бериш бюллетени электрон-рақамли имзо ҳаққонийлигини уни тақдим этган шахснинг айби билан текширишни имкони бўлмаса, ҳақиқий эмас деб топилади.

Овоз бериш бюллетени, Банк томонидан бюллетенларни қабул қилиш муддати тугагунча олинган ва электрон рақамли имзо билан тасдиқланган бўлса, тегишли тарзда тақдим этилган деб ҳисобланади.

37. Бюллетенлари тўлдирилган бюллетенларни қабул қилиш яқунланадиган санадан кечикмасдан олинган Кузатув кенгаш аъзолари сиртдан овоз беришда иштирок этган ҳисобланади.

38. Банк Кузатув кенгаши мажлисини ўтказиш учун кворум Банк Кузатув кенгашига сайланган аъзоларнинг етмиш беш фоизидан кам бўлмаслиги керак. Кворум мавжудлиги мажлис бошланишидан аввал Кузатув кенгаш раиси томонидан аниқланади. Кворум мавжуд бўлмаса Кузатув кенгаш мажлиси ўтказилмайди.

Банк Кузатув кенгаши аъзоси уч иш куни аввал Кузатув кенгаш мажлисида видеоконференцалоқа орқали иштирок этиш тўғрисидаги ариза билан Кузатув кенгаш раисига мурожаат қилиши мумкин. Бу ҳолда Кузатув кенгаш мазкур аъзосининг кун тартибидаги масалалар бўйича овоз бериши бюллетен орқали, сиртдан овоз бериш учун белгиланган тартибда амалга оширилади.

39. Банк Кузатув кенгаши аъзоларининг сони Банк устави ва ушбу Низомда назарда тутилган миқдорнинг етмиш беш фоизидан кам бўлган тақдирда, Банк Кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш учун акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириши шарт. Кузатув кенгашнинг қолган аъзолари акциядорларнинг бундай навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилишга, шунингдек Бошқарув раисининг ваколатлари муддатидан илгари тугатилган тақдирда, унинг вазифасини вақтинча бажарувчини тайинлашга ҳақлидир.

40. Банк Кузатув кенгаши мажлисларида қарорлар ҳозир бўлган (иштирок этаётган)ларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади, Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунда ва Банк уставида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно. Банк Кузатув кенгаши мажлисида масалалар ҳал этилаётганда Кузатув кенгашнинг ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўлади. Банк Кузатув кенгаши аъзоларининг овозлари тенг бўлган тақдирда Банк Кузатув кенгаши раисининг ҳал қилувчи овоз ҳуқуқига эга.

Банк капиталини кўпайтириш ва уставга тегишли ўзгартиришларни киритиш тўғрисидаги масалалар бўйича қарор Банк Кузатув кенгаши томонидан бир овоздан қабул қилинади. Банк Кузатув кенгаши сиртдан овоз бериш йўли билан қабул қилган қарори Банк Кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилинса, ҳақиқий ҳисобланади.

41. Кузатув кенгаш қарори баённома имзоланган кундан бошлаб учинчи шахслар учун кучга киради.

42. Банк Кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини Кузатув кенгашнинг бошқа аъзосига ёки учинчи шахсга беришига йўл қўйилмайди.

43. Банк Кузатув кенгаши мажлисида баённома юритилади. Кузатув кенгаш мажлисининг баённомаси у ўтказилгандан сўнг ўн кундан кечиктирмасдан тузилади. Овоз бериш бюллетенларини қабул қилиш яқунланган сана сиртдан овоз бериш йўли билан ўтказилган мажлисининг

санаси, Кузатув кенгаш мажлиси баённомаси тузилган жой эса ушбу мажлис ўтказилган жой ҳисобланади.

44. Мажлис баённомасида қуйидагилар кўрсатилади:

- ўтказилган сана, вақт ва жой;  
- мажлисда ҳозир бўлган (сиртдан овоз беришда иштирок этган) шахслар;

- мажлис кун тартиби;

- овозга қўйилган масалалар, улар бўйича овоз бериш яқунлари;

- қабул қилинган қарорлар.

45. Банк Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлисда иштирок этган Банк Кузатув кенгаши аъзолари томонидан имзоланади, улар мажлис баённомаси тўғри расмийлаштирилиши учун жавобгар бўлади.

Мажлис (сиртдан овоз бериш) баённомаси Банк Кузатув кенгаши котиби ва раиси томонидан имзоланади. Банк Кузатув кенгаши аъзолари томонидан имзоланган овоз бериш бюллетенлари баённоманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

46. Банк Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси имзоланган куни ижро учун Банк Бошқаруви раисига берилади. Кузатув кенгаш томонидан акциядорларнинг умумий йиғилишини чақиртириш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда ушбу қарор тўғрисидаги ахборот Банк Бошқаруви раисига Кузатув кенгаш малиси ўтказилган кунда берилади.

## **VI. БАНК КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

47. Кузатув кенгаш аъзоси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- Кузатув кенгаш мажлисида муҳокама қилинаётган масала бўйича регламентда белгиланган вақт доирасида чиқиш;

- Банкка, шунингдек, унинг шўъба ва тобе юридик шахсларига оид ҳар қандай ахборот (ҳужжат ва материаллар)ни Банк бошқарувидан талаб қилиш ва олиш;

- кун тартибидаги масалалар, қабул қилинаётган қарорлар бўйича ўзининг алоҳида фикрини Кузатув кенгаш мажлиси баённомасига киритишни талаб қилиш;

- Кузатув кенгаш қарори талаб этиладиган масалалар бўйича Кузатув кенгаш мажлиси чақиртирилишига ташаббус кўрсатиш;

- Кузатув кенгаш мажлиси кун тартибига киритиш учун масалалар таклиф қилиш;

- Кузатув кенгаш ва банкнинг бошқа коллегиял органлари мажлислари баённомалари билан танишиш ва уларнинг нусхаларини олиш;

- камида 30 календар куни аввал ёзма шаклда Кузатув кенгашни хабардор қилиб ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилиш, бу ҳолда Кузатув кенгаш кўрсатилган аъзосининг ваколатлари Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан Кенгашнинг янги таркиби сайланган пайтдан бошлаб тўхтатилган ҳисобланади;

- қонунчилик ва Банкнинг ички ҳужжатларида белгиланган тартибда Кузатув кенгашда ишлагани учун муқовофот ва (ёки) харажатларининг компенсациясини олиш;

- қонунчилик ва Банкнинг уставида назарда тутилган бошқа ҳуқуқлар.

48. Кузатув кенгаш аъзоси қуйидагиларга мажбур:

- ўз мулоҳазаларининг мустақиллиги бўйича талабларга риоя этиши;

- Банка нисбатан ҳолис бўлиш, яъни ўз лавозимидан учинчи шахсларнинг манфаатини кўзлаб фойдаланмаслик;

- Кузатув кенгаш мақсади ва вазифаларига мувофиқ ўз ваколатлари доирасида ҳаракат қилиш;

- ўз лавозим вазифаларини виждонан, шунингдек, Банк манфаатлари учун энг мақбул деб ҳисоблаган усулда амалга ошириш;

- айрим акциядорлар, мансабдор ва бошқа шахсларнинг эмас, яхлит Банк манфаатларида ҳаракат қилиш;

- ўзига маълум бўлиб қолган Банк фаолияти тўғрисидаги махфий ахборотни ва инсайдерлик ахборотини ошкор қилмаслик ва шахсий манфаатлари ёки учинчи шахсларнинг манфаатлари йўлида фойдаланмаслик;

- Кузатув кенгаш мажлисига чиқариладиган масалаларнинг муҳокамасида фаол иштирок этиш, мажлисда шахсан ҳозир бўлишнинг имкони бўлмаганда эса зарур ҳолда қаралаётган масалалар бўйича ўз фикрини ёзма тақдим қилиш;

- йиғилиш кун тартиби саволлари бўйича овоз бериш йўли билан Кузатув кенгаш қарорларини қабул қилишда иштирок этиш;

- ўз вазифаларини бажариш учун Банк фаолияти, молиявий ҳолати, банк хизматлари бозоридаги аҳволи тўғрисидаги, шунингдек, банк секторидаги устун тенденциялар ҳамда Банк фаолиятига алоқадор амалдаги қонунчиликнинг эҳтимолий ўзгаришлари тўғрисидаги ахборотни (материалларни) синчиклаб таҳлил қилиш;

- своевременно проводить совещания (рабочие встречи) с членами исполнительного органа, иными руководителями и работниками Банка, независимыми экспертами, внешним аудитором, принимать участие на совещаниях Центрального банка Республики Узбекистан и иными надзорными органами для выполнения своих функций;

- қарорлар қабул қилишда таваккалчиликлар ва нохуш оқибатларни баҳолаш;

- Банк битим тузаётганидан ўзининг аффилиланганлиги тўғрисида назарда тутилаётган битим, тегишли шартноманинг муҳим шартларини батафсил кўрсатган ҳолда ёзма хабарнома юбориш йўли билан Банкни хабардор қилиш;

- Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги бўйича Банк ошқор этиши лозим бўлган ўзининг шахсий маълумотлари ва уларнинг ўзгариши тўғрисидаги ахборотни ўз вақтида Кузатув кенгашига етказиш;

- Кузатув кенгаши таклиф этаётган лойиҳа ва дастурлар экспертизасида иштирок этиш;

- Кузатув кенгаши топшириғи билан Банкнинг молиявий-хўжалик фаолиятини яхшилаш бўйича таклифлар тайёрлаш;

- Банк ходимлари, жумладан, мансабдор шахслари томонидан ҳуқуқий ҳужжатлар, Банк устави ва ички ҳужжатларини бузилиши тўғрисида ўзига маълум бўлиб қолган фактларни Кузатув кенгашининг бошқа аъзоларига етказиш;

- ўзининг ваколатига кирувчи масалаларни тайёрлаш ва кўриб чиқиши учун Кузатув кенгашига киритиш;

- Банкка тўғридан-тўғри алоқаси бўлган бирор битим тузиш ёки бирор масалада ўта манфаатдорлик (бевосита, билвосита ёки учинчи шахслар номидан) мавжудлиги тўғрисида Банк Кузатув кенгашига хабар бериш;

- қонунчилик ва Банк уставида назарда тутилган бошқа мажбуриятлар.

49. Кузатув кенгаши аъзолари Банк имкониятларидан (мулкӣ ва номулкӣ ҳуқуқлар, хўжалик фаолияти соҳасидаги имкониятлар, Банк фаолияти ва режалари тўғрисидаги ахборот) шахсий бойлик орттириш учун фойдаланишга ҳақли эмас.

50. Кузатув кенгаши қарорлари, мажлис баённомалари ва бошқа ҳужжатларини ҳисобини юритувчи ва сақловчи шахс Кузатув кенгаши аъзосининг талаби билан дарҳол ушбу ҳужжатларнинг тасдиқланган нусхаларини тақдим этиши шарт.

51. Банкнинг мансабдор шахслари Кузатув кенгаши аъзосининг талаби билан унга беш календар куни ичида Банк фаолияти тўғрисида ўзларига маълум бўлган, Кузатув кенгаши аъзоси ўз вазифаларини бажариши учун зарур ахборотни тақдим этишлари шарт. Шахсий ҳаёт тўғрисидаги ахборот ва хусусий шахс сифатида жисмоний шахснинг шахсий сири, оилавий сири, телефон музокаралари, почта, телеграф ва бошқа хабарарининг сирлари бундан мустасно. Кузатув кенгаши аъзосининг сўраётган ахборотни тақдим этишининг имкони бўлмаганда Банкнинг мансабдор шахси дарҳол сабаби кўрсатилган рад жавобини бериб, уни бир иш куни ичида уни ёзма равишда кенгаши аъзосига тақдим этилиши шарт.

52. Банкнинг мансабдор шахслари Кузатув кенгаш аъзосининг талаби билан унга ахборотдан эркин фойдаланиш ва ҳужжат ва материаллардан нусха олиш имкониятини таъминлаши шарт.

53. Акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори бўйича Банк Кузатув кенгаши аъзоларига улар ўз мажбуриятларини ижро этган давр учун мукофот тўланилиши мумкин. Банк Кузатув кенгаши аъзоларига мукофот тўлаш тўғрисидаги қарор мустақил ташкилот томонидан тасдиқданган корпоратив бошқарув тизимининг қониқарли баҳоси ва Банк фаолияти молиявий натижаларининг ижобий кўрсаткичлари мавжуд бўлганда қабул қилиниши мумкин.

54. Банк Кузатув кенгаш аъзоларини мукофотлаш орқали фойдани тақсимлашни куйидаги ҳолларда амалга оширишга ҳақли эмас:

пруденциал нормативлар Марказий банк томонидан белгиланган талабларга мувофиқ бўлмаганда ёки улар мазкур тақсимлаш оқибатида бузилганда;

ночорлик (банкротлик) бўлганда ёки мазкур тақсимлаш оқибатида ноцорликнинг (банкротликнинг) аломатлари юзага келганда;

Марказий банкнинг ижро этилиши мажбурий бўлган кўрсатмасида акс эттирилган, шу жумладан ахборотни ошкор этиш борасида кўрсатилган камчиликлар бартараф этилмаганда ёки уларни бартараф этиш имконияти мавжуд бўлмаганда;

Марказий банкнинг фойдани тақсимламаслик тўғрисида Банкка нисбатан талаби мавжуд бўлганда.

## **VII. БАНК КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИНИНГ ЖАВОБГ АРЛИГИ**

55. Банк Кузатув кенгашининг аъзолари ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда Банкнинг манфаатларини кўзлаб иш тутиши ҳамда қонунчилик ва Банк уставига мувофиқ белгиланган тартибда жавобгар бўлиши лозим.

56. Банк Кузатув кенгаши аъзоси Банкка чалғитувчи ахборот ёки била туриб ёлғон ахборот тақдим этганлиги ёхуд ўзлари ёки ўз аффилиланган шахслари томонидан фойда (даромад) олиш мақсадида йирик битим тузишни ва (ёки) йирик битим тузиш ва (ёки) аффилиланган шахслар билан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилишни таклиф этганлиги натижасида етказилган зарар учун жавобгарликка тортилиши мумкин.

Агар бир нечта шахс жавобгар бўлса, уларнинг Банк олдидаги жавобгарлиги солидар жавобгарлик бўлади.

57. Банкга зарар етказилишига сабаб бўлган қарорга овоз беришда иштирок этмаган ёки ушбу қарорга қарши овоз берган Банк Кузатув кенгаши аъзолари жавобгар бўлмайди, Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқдарини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 90-моддасида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

58. Банк ёки у жойлаштирган акцияларнинг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядор (акциядорлар) Банкга етказилган зарарларнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъво билан Банк Кузатув кенгаши аъзоси устидан судга муурожаат қилишга ҳақли.

## **VIII. БАНК КУЗАТУВ КЕНГАШИНИНГ ҚЎМИТАЛАРИ (ИШЧИ ГУРУҲЛАРИ)**

59. Банк Кузатув кенгаши асосли ва самарали қарорлар қабул қилинишини таъминлаш мақсадида, жумладан, низоли вазиятларни аниқлаш ва ҳал қилиш учун тегишли масалалар бўйича муваққат ва доимий қўмиталар (ишчи гуруҳлари)ни тузади.

60. Ўз фаолияти йўналишлари бўйича Банк кенгаши ваколатига доир масалаларни аввалдан ҳар тарафлама ўрганиш ва Банк Кузатув кенгаши учун тавсияларни тайёрлаш қўмиталар (ишчи гуруҳлари)нинг асосий вазифалари ҳисобланади.

61. Банк Кузатув кенгаши қўмиталари Банк Кузатув кенгаши, Бошқаруви аъзолари, банк ходимлари ва жалб этилган экспертлар (тегишли профилдаги мутахассислар, профил ОЎЮ ўқитувчилар ва б.) таркибидан шакллантирилади.

Қўмиталарнинг фаолият тартиби ва ваколатлари уларни тузиш тўғрисидаги Банк Кузатув кенгаши қарорида белгиланади.

62. Банк Кузатув кенгашининг ишчи гуруҳлари Банк фаолиятининг айрим йўналишлари ва лойиҳаларни ўрганиш учун шакллантирилади.

63. Қўмиталар ва ишчи гуруҳлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талаблари, Банк устави ва ички низомлари, шунингдек, Акциядорлар умумий йиғилиши ва Банк Кузатув кенгашининг қарорларига мувофиқ иш юритадилар.

## **IX. ТАСДИҚЛАШ ВА ЎЗГАРТИРИШ ТАРТИБИ**

64. Банк Кузатув кенгаши тўғрисидаги низом, шунингдек, унга киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади. Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифлар Банк акциядорлари ва Банк Кузатув кенгаши аъзолари томонидан киритилиши мумкин.

65. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг ўзгариши натижасида, ушбу Низомнинг айрим бандлари унга зид бўлиб ёки ҳақиқий бўлмай қолса, Низомга ўзгартириш киритилгунга қадар Банк Кузатув кенгаши аъзолари Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ иш юритадилар.

66. Ушбу Низом янги таҳрирдаги Банк устави Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки томонидан тасдиқланган кундан бошлаб кучга киради.

**“ASIA ALLIANCE BANK” АТБ**  
**Акциядорлар умумий йиғилишининг**  
**2023 йил 21 сентябрдаги**  
**АС-02/2023-сонли қарори билан**  
**“ТАСДИҚЛАНГАН”**

**“ASIA ALLIANCE BANK” АТБ Кузатув кенгаши тўғрисидаги**  
**Низомга 1-сонли қўшимча ва ўзгартиришлар**

**1. Низомнинг 8-банди қуйидаги тахрирдаги 40-50 кичик бандлар билан тўлдирилсин:**

“40) акциядорлар умумий йиғилишининг қарори асосида банк бошқаруви раиси билан тузилган шартномани акциядорлар умумий йиғилиши томонидан белгиланган муддатда узайтириш тўғрисида ҳар йили қарор қабул қилиш;

41) таваккалчиликларни бошқариш тизимининг самарали жорий этилишини таъминлашга ҳамда унинг устидан назоратни амалга ошириш;

42) ҳар бир сезиларли таваккалчилик бўйича таваккалчилик чегараларини ва мазкур чегаралар бузилган тақдирда кўрилиши зарур бўлган чораларни тасдиқлаш;

43) банкнинг таваккалчиликларни бошқариш ташкилий тузилмасини доимий тарзда баҳолаш ва унинг самарадорлигини таъминлаш;

44) банк томонидан қўлланилувчи таваккалчиликларни баҳолаш методологиясини йилда камида бир мартаба кўриб чиқиш;

45) банк маҳсулотлари ва хизматлари бўйича харажат ҳамда таваккалчиликларни инобатга олган ҳолда нарх сиёсатини тасдиқлаш;

46) таваккалчиликларни бошқаришга оид ҳисоботларнинг шакли, даврийлиги ва ҳажмини белгилаш, мазкур ҳисоботларни кўриб чиқиш, уларнинг аниқлиги ҳамда ҳаққонийлигини назорат қилиб бориш;

47) таваккалчиликларни бошқаришга ва ҳисоботларни тайёрлашга мўлжалланган ахборот тизимининг жорий этилишини ташкил этиш ҳамда бу борадаги ишларни назорат қилиш;

48) таваккалчиликларни бошқариш маданиятини шакллантириш ва унинг мақбул даражада бўлишини таъминлаш;

49) банк балансига қабул қилинган мол-мулкни (шу жумладан кредит қарзини тўлаш учун қабул қилинган мол-мулкни) унинг бозор қийматида сотишни ташкил этиш;

50) Кузатув кенгаши ҳузурида қўмиталар, шунингдек, банк бўлимлари ва филиалларини ташкил этиш ва тугатиш.”.

**2. Низомнинг 9-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:**

“9. Банк Кузатув кенгашининг ваколатига қонун ҳужжатларига,

акциядорлар умумий йиғилишининг қарорларига, Банк уставига ва бошқа меъёрий ҳужжатларига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш ҳам кириши мумкин.”.

**3. Ушбу ўзгартириш ва қўшимчалар Банк уставига 2-сонли ўзгартишлар ва қўшимчалар давлат рўйхатидан ўтган санадан бошлаб кучга киради.**

**“ASIA ALLIANCE BANK” АТБ**  
**Акциядорлар умумий йиғилишининг**  
**2023 йил 8 ноябрдаги**  
**АС-03/2023-сонли қарори билан**  
**“ТАСДИҚЛАНГАН”**

**“ASIA ALLIANCE BANK” АТБ Кузатув кенгаши тўғрисидаги**  
**Низомга 2-сонли ўзгартириш**

**1. Низомнинг 19-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**

“19. Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони Банк Кузатув кенгашига сайланиши керак бўлган мустақил аъзолар ва бошқа аъзолар сонига алоҳида кўпайтирилади ҳамда акциядор шу тарика олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақли.”.

**2. Ушбу ўзгартириш Банк уставига 3-сонли ўзгартишлар давлат рўйхатидан ўтган санадан бошлаб кучга киради.**